



БҮЮРТМАЧИ:

Наманган вилояти Наманган шахар Халқ Таълим Булими

Наманган вилояти Наманган шахар 19-сонли мактабни жорий таъмирлаш ишлари учун.

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Наманган вилояти Наманган шахар Халқ Таълим Булими

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ти Қонунига асосан руйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. 1 Наманган вилояти Наманган шахар 19-сонли мактабни жорий таъмирлаш ишлари учун.

1.2. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Наманган вилояти Наманган шахар Халк Таълим Булими

, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили: Узбекистон, Наманган вилоят, Наманган шахар, Б.Машраб кучаси, 12-үй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Наманган шахар Халк Таълим Булими биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.4. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов ташкилотчилари тартибини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан күйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар күрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, түловлар тартиби ва якуний түловлар ва бошқа боғлиқ күрсаткичлар күрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган холда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмунюбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмунюхиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Танловга тақдим этиладиган хужжатлар руйхати

- 1.Ушбу танлов хазматлар киска муддатда бажариш буйича кафолат
- 2.Танлов иштирокчиси туғрисида умумий маълумот.
- 3.Давлат руйхатидан утганлиги туғрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш буйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари.
- 4.Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот.
- 5.Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камида 3 йиллик иш тажрибаси тўғрисида маълумот
- 7.Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тўғрисида маълумот
8. Курилиш ва таъмирлаш обьектнинг курилиш жойи билан танишганлиги тўғрисида маълумот

Илова №2

Таклифларни техник ва нархлар буйича баҳолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электронний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электронний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича баҳоланади.

№	Критерийларноми, мазмуни	Энгюко ри балл	% хисобида
1.	Ушбу танлов хазматлар киска муддатда бажариш буйича кафолат	20	80%
2.	Танлов иштирокчиси туғрисида умумий маълумот	10	
3.	Давлат руйхатидан утганлиги туғрисида гувохнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари	10	
4.	Мавжуд техника ва механизмлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги туғрисида маълумот.	15	
5.	Охириг 3 йил давомида шу соҳада бажарилган ишлар буйича орттирилганиш тажрибаси.	20	
6.	Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртacha иш стажи	15	
7.	Курилиш ва таъмирлаш обьектнинг курилиш жойи билан танишганлиги тўғрисида маълумот	15	
8.	Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан)		20%

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Наманган вилояти Наманган шаҳар Ҳалқ

Таълим Булими инжинери

Абдуллаев А.



**Техник топширик
БУЮРТМАЧИ**

Наманган вилояти Наманган шаҳар Ҳалқ Таълим Булими—2022й.

№	Маълумотлар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бажариладиган иш	Наманган вилояти Наманган шахар 19-сонли мактабни жорий таъмирлаш ишлари учун. Жами бошланғич сумма : 18 892 153сўм
2	Буюртмачи	Наманган вилояти Наманган шахар Халқ Таълим Булими
3	Бажарувчи	Танловдан сўнг аниқланади
4	Объект жойлашган манзил	Наманган вилоят Наманган шахар Б.Машраб кўчаси № 12-үй
5	Иш бошланиши ва тугалланиши	2022 йил май ойида
6	Маблағ манзили	Бюджет
7	Алоҳида талаблар	Ишлар сифатли ва ўз вақтида бажарилиши шарт. Бажарилган ишлар қабул қилиш топшириш далолатномасига асосан қабул қилиб борилади
8	Талов шарти	1) Иш тажрибаси: Танлов қатнашчиси ушбу топшириқдаги хизматга доир иш тажрибага эга бўлиши керак. 2) Танлов иштирокчиси курсатилган муддатга ишларни бажаришга кафолат бериши керак.
9	Тўловлар шарти	Тўловлар пул кўчириш йўли билан ва счёт фактура асосида